

2021 года в Республике Каракалпакстане проведена международная научно-исследовательская экспедиция, оценившая потенциал и ценность объектов историко-культурного наследия региона для выработки перспективной стратегии по их включению в списки ЮНЕСКО. Содействие экспедиции оказали Национальная комиссия по делам ЮНЕСКО, Министерство культуры

Республики Каракалпакстан, а также хокимияты областей и городов и широкая аудитория творческой общественности. Исследования на базе музейных коллекций и предметов позволит выявить информационный и технический потенциал музейных источников и расширить хронологическое и тематическое поле исследования.

Литература

1. Закон Республики Узбекистан о Музеях. Сайт Lex.uz
2. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах. 7-февраля 2017 года. Четвертое направление. Развитие социальной сферы.
3. Илаов И. Музееведение. Учебное пособие для вузов. МВ и ССО РУз. –Т.: 2006.
4. Нызанова Г. Заведующий этнографическом отделом Государственного музея истории и культуры Республики Каракалпакстан. 2021-год, 6 октября.
5. Коньсбаева А. Старший гид-экскурсовод государственного музея истории и культуры Республики Каракалпакстан 2021-год, 9- октября.
6. Информаторы - Б.Султамуратов- год рождения 1957, житель улицы Правда Востока, ныне Шағала дом №8; П.Жамалов год рождения 1953, житель улицы Кооперативная, ныне Р.Утегенов дом № 36; Б.Матжанов- год рождения 1956, житель улицы Аптекарьская, ныне Мэрт дом № 8. 2021-год, 8-октября.]
7. «Ўзбекистон маданият мероси» муаллифлик туркуми. Ўзбекистон Тарихи Давлат музейи туплами. Биринчи қисм. Археология ва нумизматика. Китеб-альбом. -Т.: 2020.
8. Худайбергенов А.Х.; Тлепов Б.С.; Сапарова Ш.С.; Путеводитель. Государственный Краеведческий музей Республики Каракалпакстан. -Н.: 1992.
9. Рекламные буклеты Государственного музея истории и культуры Республики Каракалпакстан, 2020.
10. Воронцова Е.И. Музей как элемент системы информационного обеспечения исторической науки: теоретико-методологические аспекты// Гуманитарные науки. 2014. № 3.
11. Макгрегор Н. История мира в 100 предметах / Нил Макгрегор. - Москва: «Эксмо», 2012. –С. 800.
12. Минина Е.В. Музейные коллекции по горному делу в России как источник по истории науки и техники: дис... канд. ист. наук. - М.: 2007.
13. Нурабуллаева С. Хранилище истории нашего края // Мозийдан садо. -Тошкент: 2009.-№1 (41).
14. Постановление № 84, Экономического Совета Р.С.Ф.С.Р. 14-февраля 1932 года Москва, Кремль, О перенесении центра Каракалпакско- автономного области из гор. Турткуль в город Нукус].

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада музей ишининг ва музей коллекцияларининг тарих фанларига ахборотлик жихатдан салоҳиятлиги, Қарақалпоғистон Республикаси Давлат тарих ва маданият музейининг шаклланиш тарихи, ундаги бебаҳо музей коллекцияларининг бўйича сўз этилган. Шу билан бирга кейинги йилларда, давлатимиз томонидан улкамиздаги ноёб тарихий ва маданий бойликлар ва уларни асрашга қаратилган, давлат сиёсати даражасидаги ишларга қаратилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается информационный потенциал музейных коллекций, в области истории, об истории становления Государственного музея истории и культуры Республики Каракалпакстан, и его уникальных музейных коллекциях. В месте тем, в последние годы руководства нашего государства, уделяет большое внимание на уровне государственной политики, по бесценным историко-культурным наследиям нашей страны и в работе направленной на их бережное сохранение.

SUMMARY

This article deals with the potentiality of the museum works and museum collections to the historical sciences on their informativity, the history of the formation of state history and culture museum of the Republic of Karakalpakstan and the valuable museum collections. Moreover, this article focuses on the matters in recent years on the degree of state politics like saving the valuable historical and cultural riches of our country.

АХБОРАТЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТУЗИЛИШИДА КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАРИ: ИСТИҚБОЛДАГИ ИМКОНИАТЛАР ВА МУАММОЛАР

Т.Ескараев – стажёр-тадқиқотчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: ахборот жамияти, иқтисодийнинг виртуаллашуви, индустриал жамият, постиндустриал жамият, интеллектуал капитал, ахборотнинг қимматлилиги, ахборотлаштириш.

Ключевые слова: информационное общество, виртуализация экономики, индустриальное общество, постиндустриальное общество, интеллектуальный капитал, ценность информации, информатизация.

Key words: information society, virtualization of the economy, industrial society, post-industrial society, intellect capital, information value, informatization.

Ҳозирги кунда инсон фаолиятининг барча соҳаларида ахборот технологияларининг роли ортиб бормоқда. Ахборот техника ва технологияларни ривожлантириш жамият ривожланишини белгиловчи асосий омиллардан бирига айланмоқда. Дунёда кузатилаётган ушбу тенденция бизнинг давлат стратегиямизда ҳам ҳисобга олинган. Ўзбекистон Республикасида ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборот технологияларини жамиятнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу мақсадларда мамлакатимизда ахборот алмашиш тезлиги ва сифатини оширишга ҳизмат қиладиган оптик толали алоқа, мобил алоқа, телекоммуникация тизимини ривожлантириш, таълим тизимини компьютерлаштириш ва интернет тармоғига улаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Шунингдек, ахборот технологияларининг ривожланишини таъминловчи кадрлар етиштириб чиқаришга ҳизмат қиладиган

олий ўқув юртлари мамлакатимизнинг барча минтақаларида ташкил этилган.

Жамият ўз-ўзини ташкиллаштирувчи ва ривожланувчи мураккаб тизим, ундаги таркибий қисмлар горизонтал ва вертикал алоқадорликлар билан бир бирига боғланган. Демак, жамият тизимининг асосий қисмларидан бири ҳисобланган технологик базисдаги ўзгаришлар бутун жамиятнинг тузилмасида ўзгаришларни келтириб чиқариши аниқ. XX асрнинг сўнги чорағида Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Узоқ Шарқ давлатлари ижтимоий тизимидаги ўзгаришлар бир қатор олимлар томонидан инсониятнинг янги ахборот жамиятига ўта бошлаганлиги ҳақидаги қарашлар билдирила бошланишига сабабчи бўлди. Ахборот жамияти ҳақидаги қарашларни ўрганиш ҳозирги кунда Ўзбекистонда юз-бераётган ва келажакда қутилиши мумкин бўлган ҳодисаларни тушунишда катта аҳамиятга эга.

Ахборот жамиятини таҳлил қилишга қаратилган қарашлар ичида Д.Беллнинг «Постиндустриал жамият» [1:102-110] ва Э.Тоффлернинг «Учинчи тўлқин» [5:27-42] назариялари катта аҳамиятга эга бўлиб, улар ижтимоий-фалсафий фикрларнинг ривожланишига таъсир кўрсата олди. Д.Белл ахборот жамиятини (постиндустриал жамият) индустриал иктисодиётда технологияларга эътиборнинг кучлилиги туфайли янги технологияларнинг кириб келиши ва иктисодиётда хизмат курсатиш тармоғи аҳамиятининг ортиши натижасида келиб чиқувчи жамият босқичи сифатида таърифлайди. Тоффлер жамият ривожланишини социотехнологик революциялар натижасида келиб чиқувчи цивилизациялар алмашуви сифатида тушунтириб, биз кузатаётган ахборот-компьютер революцияси янги цивилизациянинг шаклланишини бошлаб бериши ҳақида айтиб ўтади. Икки олим бир нарсада, ахборот технологияларидаги тез ривожланиш барча ижтимоий муносабатларда ўзгаришларни келтириб чиқариб, янги ижтимоий тизим, яъни янги ахборот жамиятини келтириб чиқариши ҳақидаги фикрга қўшилади.

Ахборот технологияларининг ўсиши ўзи билан бирга инсон учун кенг имкониятлар билан бирга ҳавфларни ҳам олиб келди. Ахборот жамиятда кутилаётган ўзгаришларни туғри англаб етиш учун, ушбу жамиятнинг асосий қонуниятларини билишимиз зарур.

1995 - йили май ойида Европа иттифоқининг барча давлатлари етакчи мутахассисларидан иборат бўлган Европа иттифоқи комиссияси (Комиссия европейских сообществ) экспертлари томонидан ахборот жамиятига қуйдагича таъриф берилди: ахборот жамияти глобал жамият бўлиб, унда ахборотнинг алмашуви фазовий, вақтга эки сиёсий чегараларга эга бўлмайди, у бир тарафдан маданиятларнинг ўз-аро бир-бирига ўтишига таъсир кўрсатса, иккинчи тарафдан, ҳар бир бирликка ўз-ўзини аниқлаш ва алоҳида ўзига ҳосликка эга маданиятнинг ривожланиши учун янги имкониятлар яратди [4:640]. Бундан ташқари ушбу жамият билим жамияти деб ҳам номланади. Сабаби ҳар бир одамнинг ва ҳар бир давлатнинг обод турмуш кечиришининг асосий шартини билим ташкил этади.

Шаклланаётган ахборот жамияти билан сўнгги ўн йилликларда катта умидлар боғланмоқда. Бугун инсоният ва ҳар бир инсоннинг ҳаёт сифатини кўтариш, кичик ва ўрта тадбиркорлик имкониятларини кескин кенгайтиришда, маҳаллий ресурслардан оптимал фойдаланиш, таълимнинг мураккаб хизматларини ривожлантиришда ахборот жамияти катта потенциалга эга эканлигини деярли барча тан олади. Ахборот жамиятини ривожлантириш ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга, табиат ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланишга ўтиш шартларини шакллантиради.

Ахборот жамиятининг жамият ривожланишининг олдинги босқичларидан фарқловчи қадрият ўлчамлари сифатида қуйдагиларни кўрсатсак бўлади.

1. Иктисодиётнинг виртуаллашуви. Ахборот жамияти иктисодиётнинг аграр ва саноат секторидан кейин келувчи хизмат курсатиш секторининг аҳамиятини ошиши билан фарқланади. Хизмат кўрсатиш секторидан анъанавий хизмат курсатиш (маиший, транспорт ёки савдо-сотиқ) соҳалари эмас, балки одамлар инсон сифатида хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан узвий боғланган соҳалари биринчи ўринга чиқади. Агар индустриал иктисодиётнинг асосий ташкиллаштирувчи элементлари сифатида товар, меҳнат унумдорлиги ва тўлаш қобилияти қаралса, ахборот иктисодиётининг асосий элементларини белги, образ ва ахборот ташкил этади. Ахборот жамияти ҳолатида товар энг аввало белги сифатида тақлиф этилади, товарнинг қиймати эса рекламалари ахборот билан белгиланади. Реклама товарнинг образини яратди, реал товарлар

эмас, балки образлар ахборот бозорида айланмада бўлади. Нарсанинг образи рекламанинг берилишида нарсанинг ўзидан устунликка эга бўлади. Шу сабабли товарнинг баҳоси реал қиймати билан эмас, қийматнинг рекламалари образи билан аниқланади. Маркали товарлар маркасиз (образсиз), лекин бирдек сифатли товарларга нисбатан бир неча баробар қиммат баҳода сотилади.

2. Ахборотнинг қимматлилиги. Ахборот жамиятининг назариячилари янги жамиятнинг асосий белгиларини ажратиб кўрсатишганида асосан ахборот технологияларнинг ривожланиши ҳақида айтишади. Лекин, ахборот жамиятининг энг асосий белгиси ахборот технологияларининг ривожланиши эмас, балки ахборотнинг сифатли янги функцияси ва роли ҳисобланади. Ушбу даврга келиб жамиятнинг ривожланиши ахборот потенциали билан белгиланади.

Бир тарафдан ахборот - инновацион технологиялар, компьютер дастурлари, телекоммуникация ролида инсон ҳаётининг моддий шароитларини шакллантиради, иккинчи тарафдан, инсонлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг асосий усули хизматини бажаради. Ахборот моддий бойликларга нисбатан ўзига хос белгиларига эга. Булар қуйдагилар:

- ахборот бўлакланмайди, инсон томонидан маълум билимларга эришиши ҳеч қачон шу ҳажмдаги янги билимни ўзлаштириш хусусиятини қамайтирмайди;

- у фазовий локаллашувга эга эмас, бир вақтнинг ўзида бир неча ўринда бўлиши мумкин, аммо вақт омига ҳаддан ташқари сезгир;

- ахборот ресурслари универсал, чексиз ва ўз-ўзини қайта тиклаш хусусиятига эга. Ахборотнинг қиймати ундан фойдаланувчи одамлар сонининг ортиши билан ортиб боради;

- билимлардан фойдаланиш уларнинг сонини қисқартирмайди. Масалан, технологиялар ва патентларни экспорт қилиш давлатга унга эгалик этиб турган ахборотнинг, билимларнинг ички потенциали ва ҳажми қамайтормасдан даромад олиб келади.

Демак ахборот одамнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, унинг ижтимоий борлигини белгилайди ва жамиятнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш манбаи ҳамда ривожлантирувчи куч вазифасини бажаради.

3. Интеллектуал капитал. Ахборот жамиятининг ривожланиши биринчи ўринга инсоний сифатларни ва ижод қобилиятини чиқаради. Бугунги куни ахборот жамиятининг онтологиясини инсоний билим ва интеллектуал капитал, инсон маънавияти ва масъулияти деб номланадиган қадрият категориялари таҳлилисиз тушуниш мумкин эмас. Интеллектуал капитал сифатида биринчи навбатда, инсоний сифатларнинг ривожланишини тушунамиз. Интеллектуал капитал ўз ичига, биринчидан, кундалик ҳаёт масалаларини бажаришга мўлжалланган компания ходимларининг билимлари, ахлоқий қадриятлари, амалий кўникма ва ижодий қобилиятларининг мажмуасини узида жамлайди.

Иккинчидан, компания ходимларининг ишлаб чиқариш потенциалини амалга оширишга имконият берадиган технологик ва дастурий таъминловни, ташкилий структурани, патентларни, савдо маркалари ва ҳ.к. ўз ичига олади.

4. Билимнинг қадриятга айланиши. Ахборот даврида моддий ишлаб чиқариш фаолияти интеллектуал биринчиликни аста-секин билимларни ишлаб чиқариш ва таъминлаш фаолиятига беришга мажбур бўлади. Бошқача айтганимизда, жамиятнинг асосий қадрияти сифатида назарий билим олиб қаралади. У қиймат омили ролидаги меҳнатни сиқиб чиқаради. Ижтимоий ташкиллашнинг ядросини билимларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тўплаш маркази сифатидаги университетлар бажаради.

5. Ижод қадрияти. Ривожланган давлатларда XX

асрнинг 70-йиллари бошларидан одамнинг ҳаётий кадрият ўлчамлари(шкалалари) ўзгарди. Америкали ўрта синф вакилларининг кадриятлар ўлчамлариде биринчи ўринни касбий фаолиятдаги ўзини реализациялаш имконияти эгаллайди. Иш ҳақининг аҳамияти бешинчи ўринда бўлган. Ушбу ўзгаришни акс эттириш учун чет эл адабиётларида Тоффлер тарафидан таклиф этилган «кадриятларнинг постиктисодий тизими» тушунчаси қўлланилади. Ахборот жамияти концепцияси фаолиятдаги белгиловчи бўлган ташқи омилларидан, ички мотивларга ўтишни кўрсатади. Ҳозирги замонда технологик ўзгаришлар тенденцияси шуни кўрсатадики, бугунги кунда инсоннинг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган моддий ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши жараёнидан, инсоннинг ўзини такомиллаштиришни талаб қиладиган жараёнларга ўтилмоқда. Инсоннинг эркин ижодий фаолияти - цивилизация ривожланишининг ҳолати ва мақсадига айланмоқда.

6. Эркинлик принципи. Ахборот жамиятининг назариячиларининг кўрсатишича, эркинлик ва обод турмуш кечиришни ақлий ва ижод қобилиятига эга бўлиш таъминлайди. Ахборот даврида, ҳақиқатдан ҳам кўп нарса инсоннинг ўзи белгилашидан ва унинг эркинлигининг кенгайишига боғлиқ бўлади. А.Зотовнинг фикрича, ахборот жамияти термини инсониятнинг моддий неъматларни ишлаб чиқишга асосланган «ташқи заруриятдан» кутилишининг даслабки шартини англатувчи «эркинлик даврига» киришни англатади [6:42]. Ахборот жамияти бўйича мутахассисларнинг фикрича, ижтимоий ривожланиш ўрта синф вакилларининг жамиятда кўпчилиikka айланишига шароит яратади ва у ижтимоий зиддиятларни енгишга ёрдам беради.

7. Элита ва омаларнинг ажралиши. Ахборот даврида ижтимоий дифференциацияни белгиловчи омил вазифасини мулк эмас балки билим даражаси бажаради. Натижада, жамиятдаги асосий зиддият ижтимоий-маданий соҳада – эски индустриал дастурга содиқ одамлар ва янги ахборот маданияти тарафдорлари орасида амалга ошади.

8. Ахборотлаштириш тори. Ахборот жамияти ўзи билан бирга ер юзи ахборот машинаси чегарасида технократик ҳукмронлик, одамнинг виртуал дунёга кетиши, реал дунё кийинчиликларида кочиш хавфларини олиб келади. Ҳозирги замон ахборот жамияти ижтимоий деструкциянинг қудратли омилга эга: у дунёдаги тенгсизликни кучайтириши, маданий ҳилма-ҳилликка хавф солиши, йирик ижтимоий бухронларни келтириб чиқариши мумкин.

Компьютерларни, инсон фаолиятининг ҳар ҳил соҳаларида ахборотни қайта ишловчи ва етказиб берувчи воситаларни кенг жорий қилиш – индустриал ривожланиш босқичида бўлган жамият ривожланишида ахборотлаштириш деб номланадиган эволюцион жараёни бошлаб берди. Информатизация – ахборот жамиятини келтириб чиқариш мақсадида оммавий ахборот воситалари ёрдамида бошқариш ва ривожланиш ресурси сифатида ахборотга эгалик қилишнинг тизимли фаолият жараёни. «Ахборотлаштириш» «компьютерлаштириш» тушунчасига нисбатан кенг тушунча ҳисобланади. «Компьютерлаштириш» термини ҳисоблаш машиналарини инсон фаолиятининг барча соҳаларига кенг жорий этишни англатад [3:35]. Жамиятни ахборотлашти-

ришда эса инсон фаолиятининг барча соҳаларида ҳақиқий, етарли ва ўз вақтида билимлардан тўлиқ фойдаланишга хизмат қилувчи чора-тадбирлар мажмуасига диққат қаратилади.

Ахборотлаштириш, бир қатор олимларнинг фикри бўйича ўз-аро боғлиқ уч жараёнинг мажмуасидан иборат бўлади:

- медиатизация жамоавий ва якка алоқанинг янги тизимларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш натижасида ҳар бир индивиднинг ахборотнинг барча манбаларига, инсоний, инсонлараро, гуруҳ муносабатларининг барча даражаларига етишишни таъминлайди.

- компьютерлаштириш – ахборотни излаш ва қайта ишлаш усулларини такомиллаштириш жараёни.

- интеллектуаллаштириш – ахборотни яратиш ва қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш жараёни бўлиб, унда жамиятнинг интеллектуал потенциалини ошириш мақсад қилиб олинади.

Агар ушбу уч жараён биргаликда олиб борилса, ахборотлаштириш ижтимоий тузилишида кескин ўзгаришларга олиб келади. Демак, ахборотлаштириш ижтимоий, технологик, иқтисодий, сиёсий ва маданий механизмларнинг бирлигини ташкил этади. У ахборотни, айниқса, билимни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш учун ахборот технологияларидан фойдаланишнинг прогрессив тарзда ўсиш жараёнини беради. Ахборотлаштириш натижасида ахборот жамияти шаклланади.

Жамиятнинг ахборот соҳасида юз бераётган ўзгаришларни, уларни давлат тарафидан тартибга солишнинг ҳозирги замон методларини комплексли ўрганиш Ўзбекистон Республикаси учун ҳам долзарб ҳисобланади. Жамиятнинг ахборот соҳасини тартибга солишнинг чет эл тажрибасининг таҳлили куйидаги йўналишларни бўлиб кўрсатишга имконият беради:

- рақобатни қўллаб-қувватлаш, монополизм билан курашиш;

- барча халқ учун ахборот ва ахборот ресурсларига эгалик этиш ҳуқуқлари ва техник имкониятларни таъминлаш;

- сўз эркинлигини таъминлаш;

- кичик миллатлар, ёш ўсмирларнинг ахборот соҳасидаги манфаатларини ҳимоя қилиш;

- миллий маданий меросни, тилни ҳимоя қилиш, бошқа давлатларнинг маданий хуружларига қарши туриш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш;

- компьютер ва юкори технологиялар ёрдамида амалга ошириладиган жинойтларга қарши курашиш;

- давлат органларида ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишни назорат этиш;

- барча даражада миллий йўналтирилган сиёсатни шакллантириш (умумий давлатдан, маҳаллийгача);

- ижтимоий ҳимояга муҳтож табақаларни ўз ичига олишга йўналтирилган АКТ- лойиҳаларини молиялаштиришнинг самарали стратегиясини шакллантириш.

Ушбу йўналишларни ҳисобга олган ҳолда давлат стратегияси давом эттирилса, кириб келаётган ахборот жамияти имкониятларидан фойдаланиб, унинг салбий оқибатларининг олди олинган ҳолда обод турмуш тарзини қўришимиз мумкин деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. -М.: 2004.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият енгилмас куч. -Тошкент: «Маънавият» 2008.
3. Королев Л.Н., Власов В.К. Компьютеризация в науке и производстве. - М.: 1988. –С.35.
4. Москва и информационное общество. /Под.ред. С.Орлова и Ю.Хохлова. -М.: 1999.
5. Тоффлер Э. Третья волна. -М.: 1999.
6. Трансформация в современной цивилизации (материалы круглого стола). //Вопросы философии, 2000. №1

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ахборот технологияларининг жамият тизимида келтириб чиқариши кутилаётган ўзгаришлар ҳақидаги қарашлар таҳлил қилинган. Ахборот жамияти, иқтисодийнинг виртуаллашуви, ахборотлаштириш тушунчаларининг моҳияти, уларнинг жамият таррақиятини таҳлил қилишдаги аҳамияти очиб берилган

В статье анализируются некоторые взгляды о ожидаемых изменениях в системе общества на основе развитии информационных технологий. Рассматриваются необходимость понятий информационное общество, виртуализация экономики, информатизация для развития общества.

The article is analysed some views about further changes in the system of society due to the development of information technologies. They are considered notion information society, virtualization of the economy, informatization for the development society.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХИЙ ТАХЛИЛ (1996-2020йй)

А.А.Мамажанов – ўқитувчи

Андижон давлат университети

Таянч сўзлар: автомобиль саноати, энгил автомобиллар, юк автомобиллари, автобуслар, “UzDAEWOOAvto”, «ЎзАвтоСаноат», «СамКочАвто», «GM Uzbekistan».

Ключевые слова: автомобильная промышленность, легковые автомобили, грузовые автомобили, автобусы, “UzDAEWOOAvto”, «ЎзАвтоСаноат», «СамКочАвто», «GM Uzbekistan».

Key words: motor-car industry, cars, trucks, buses, , “UzDAEWOOAvto”, «ЎзАвтоСаноат», «СамКочАвто», «GM Uzbekistan».

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил тарққийт йўлидан собитқадамлик билан борар экан, бу йўлдаги пухта ўйланган ва босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган ислохотлар амалда ўз натижасини бермоқда. Мамлакатимизнинг янги марраларидан бири, иқтисодиётдаги янги тармоқ –Автомобил саноатининг йўлга қўйилиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1992 йил июн ойида Корея Республикасига ташрифи мамлакат автомобилсозлик саноатининг тамал тоши қўйилишига сабаб бўлди. Ўша йилнинг июль ойида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида Асака шаҳрида автомобил заводи қуриш бўйича сўровнома уйиштирилиши ҳамда ноябр ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “UzDAEWOOAvto” қўшма корхонаси барпо этиш тўғрисида” ги фармойишнинг қабул қилиниши нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи автомобил заводининг барпо этилишига сабаб бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон жаҳоннинг 28 та автомобил ишлаб чиқарувчи давлатларидан бирига айланди.

Автомобил ишлаб чиқаришнинг барча технологик жараёнлари комплекс равишда ривожлантирилиши юртимизда машинасозлик, металлургия, радиоэлектроника, нефтни қайта ишлаш, кимё ва тўқимачилик саноатини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тараккий эттиришга ёрдам бермоқда. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, автомобилсозликда яратилган бир янги иш ўрни бошқа турдош соҳаларда камида етти иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Автомобил саноати республика саноатининг таркибий жиҳатдан ўзгаришига сабабчи бўлди. Автомобилсозлик комплексининг ривожланиши қўшимча ишлаб чиқариш қувватларининг ишга тушишига, янги иш ўринларининг яратилишига туртки бўлди. Автомобил заводи ташкил топган 1995-1996 йилларда «O‘z-DongJu», «O‘z-DongVon», «O‘z-Tong Xong», «O‘z-SeMyung» каби 10 га яқин қўшма корхоналар фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда «ЎзАвтоСаноат» акциядорлик компанияси таркибидаги 35 дан ортқ йирик қўшма ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу қўшма корхоналарнинг ўзаро ҳамжихатликдаги фаолиятининг биринчи календар йилида 25,3 минг энгил машина ишлаб чиқарилган бўлса, 1997 йилда жами 64,9 минг дона уч турдаги энгил автомобиллари, 25 дона юк автомобиллари ишлаб чиқарилди [1:236]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 5 ноябрдаги “«СамКочАвто Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида»ги 381-сон Қарорига асосан «Ўзавтосаноат» уюшмасининг Самарқанд «АвтоВАЗагрегат» ОАЖ таркибида Туркиянинг “Коç Holding” компанияси билан биргаликда UzOtoyol (Otoyol) иккита турдаги

автобуслар ва уч турдаги энгил ва ўрта юк машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводнинг ишга туширилиши мамлакат автомобил саноатидаги янги бурилиш бўлди.

2001 йилда «Ўзавтосаноат» уюшмасининг таркибидаги корхоналар томонидан жами 41,4 минг дона турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилди. Уларнинг 41,0 минг донаси Асака автомобил заводида ишлаб чиқарилган энгил автомобиллар хиссасига тўғри келса, Самарқанд автомобил заводи томонидан ишлаб чиқарилган 93 минг дона юк машиналари 307 таси автобуслар хисобига тўғри келади. 2007 йилга келиб мамлакатда жами 173,3 минг дона автомобиллар ишлаб чиқарилди. Буларнинг 384 мингтаси юк автомашиналари ва 1116 донаси автобусларни ташкил қилса, 171.8 мингтаси тўрт русумдаги энгил турдаги автотранспорт воситалари хисобланади [1:237].

Жаҳон бозори ишлаб чиқарилаётган автомобил моделларини мутассил янгиллаб, сифатини мунтазам равишда ошириб боришни тақозо этади. Чунки кучли рақобат шароитида муайян мамлакат бозорига кириб бориш, жой эгаллаш ва уни сақлаб туриш осон эмас. Damas, Tico, Nexia автомобиллари Ўзбекистон автосаноатининг биринчи “қалдирғочлари” бўлган эди. Кейинчалик Matiz, Lacetti, янги русумдаги Damas, Nexia автомобилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўзбекистон автосаноати 2008 йилда янги ҳамкор ва салохиятли инвестор – General Motors корпорацияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Асака автомобил заводида Chevrolet русумдаги Lacetti, Captiva, Epica автомобиллари ишлаб чиқарила бошланди. 2010 йилнинг август ойидан эса «GM Uzbekistan»нинг янги русумдаги Chevrolet Spark автомобили харидорларга тақдим этилди.

«СамКочАвто»нинг барча акциялари “Ўзавтосаноат” томонидан олиниши билан корхона тўла ўзбек капитали асосида шакллантирилган ташкилотга айланди. Мулкчилик шакли ўзгариши билан “СамКочАвто” қўшма корхонаси ташкилоти номи “СамАвто” МЧЖга ўзгарди. Таъсисчилар таркибига “Асака” банки кирди. ISO 9001, ISO14001, OHSAS 18001 стандартларига биноан менежмент қиритилган тизимини татбиқ этди. Натижада ISUZU корхонасининг С ва Е серияси оғир юк машиналари ишлаб чиқарилиши ўзлаштирила бошланди. Бунинг натижаси ўлароқ, корхонада оғир юк машиналари С YZ 51 KLD ўзи ағдаргичлари ва EXZ 51 KL ўзи тортувчилари ишлаб чиқарилиши бошланди [3].

Корхона Италия, Германия, Япония Туркия ва Англиядан келтирилган юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган. Корхона буюртмачиларнинг хоҳишига биноан, исталган турдаги кузовларни ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлиб, Ўзбекистон талабларига мос келадиган ҳамда нефт ва газ, тоғ маъданларини казиб чиқариш ва йўлсозлик каби иқтисодиётнинг